



HAYOT DAVOMIDA TA'LIM OLİSH: YANGI  
PARADIGMALAR VA KUTILADIGAN NATIJALAR  
FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

А.А.Ибрагимов

*Самарқанд вилояти педагогларни янги методикаларга ўргатиши миллий  
маркази доценти, п.ф.ф.д.*

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ УЗЛУКСИЗ КАСБИЙ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ КОГНИТИВ-ФУНКЦИОНАЛ  
МОДЕЛИ**


**Аннотация.** Мақолада моделлаштириш тушунчасининг моҳияти, шунингдек, халқ таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожлантиришнинг когнитив фнукционал модели ва уни ташкил этувчи компонентлари мазмуни, концептуал компонент тузилмаси ёндашувлари ёритилган.

**Калит сўзлар:** моделлаштириш, когнитив, мотивация, рефлексив-коммуникатив, компонент.

Маълумки, моделлаштириш педагогик изланишлар жараёнида муваффақиятли ва универсал билиш амалиёти сифатида қўлланиладиган илмий-тадқиқот методларидан бири ҳисобланади. Моделлаштириш тадқиқот жараёнида эмпирик, назарий ва амалий маълумотларни яхлитлаш, илмий абстрактлаш, мантиқий занжирни пайдо қилиш ҳамда тажриба-синов ишларида уйғунлаштириш учун шароит яратади. Шу маънода, XTXUKР тизимини когнитив ёндашув асосида моделлаштиришда лойиҳалаштирилаётган модел “...объект таркибига кирувчи компонентлар, уларнинг ўзаро алоқадорлиги, шунингдек, ишлаш ва ривожланиш хусусиятларини аниқ белгилаш мақсадидаги тадқиқот предметининг қўргазмали-мантиқий намойиши” [3; 139-б.] сифатида қаралади ҳамда жараённинг мазмун-моҳиятини тушуниради. Моделлаштиришнинг мақсади “...ташқи муҳит ва ўзаро алоқада бўлган объектлар ҳақидаги маълумотларни олиш, ишлатиш, тасвирлаш ва қайта ишлашдир” [1; 14-б.].

А.М.Новиков “Таълим лойиҳаси (таълим фаолияти методологияси)” номли асарида лойиҳаланаётган модел белгиланган талабларга жавоб бериши билан биргаликда ингерентлиги, соддалиги ва адекватлиги билан ажралиб туриши лозимлигини уқтиради [2; 45-48-б.]. Демак, моделга қўйилган талабларнинг бажарилмаслиги кутилган натижаларга эришилмаслигига, амалиётга жорий қилишда муаммолар туғилишига, яъни сифати ва функционаллигининг тушиб кетишига сабаб бўлади.

Амалга оширилган тадқиқот натижалари халқ таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожлантиришнинг когнитив-функционал моделини яратиш ҳамда унинг компонентларини тавсифлаш учун асосли далилларга эга бўлиш имконини берди (1-расм). Модел ўзаро боғлиқ ҳамда бир-бирини тақозо қилувчи мотивация ва мақсадни белгилаш, концептуал, процессуал-мазмунга доир, когнитив, рефлексив-коммуникатив компонентларни ўз ичига олади.




**1-расм. Халқ таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожлантиришнинг когнитив-функционал модели**

Халқ таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш когнитив-функционал моделининг мотивация ва мақсадни белгилаш компоненти бошқа барча компонентлар учун етакловчи вазифасини ўтайди. Мотивация ва мақсадни белгилаш компоненти когнитив ёндашув асосида XTXUKRнинг узлуксизлигини таъминлаш, педагогнинг касбий ривожланишига талабларни ифодаловчи устувор йўналишларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга оширишда қулай шароитлар яратишни назарда тутади. Қўйилган мақсадга кўра

фаолият мазмуни, бажариш технологияси ва натижаларни баҳолаш мезонлари аниқланади.

Мотивация ва мақсадни белгилаш компоненти, биринчидан, тингловчиларнинг касбий қишинчилеклари, эҳтиёжлари асосида уларни рағбатлантирувчи мотивларни белгилаш, иккинчидан, ХТХУКРнинг умумий мақсади ҳамда тингловчиларнинг ўз фаолиятига оид индивидуал мақсади ўртасидаги боғлиқликни таъминлаш, учинчидан, тингловчиларда ўз салоҳиятларини мумкин қадар намоён қилиш, идроки, тафаккурини кенгайтириш, сермаҳсул ўзаро таъсирни вужудга келтириш, тўртинчидан, тингловчиларни яратилган имкониятлардан фойдаланиш ҳамда таълим мазмунини эркин танлаш жараёнида фаоллаштиришни ифодалайди.

Педагог ходимлар узлуксиз касбий ривожланиш жараёнини моделлаштиришда соҳага оид олиб борилган кўплаб тадқиқотлардаги якуний фикрлар ҳамда илмий изланишлар натижалари асосида ХТХУКРнинг когнитив-функционал моделининг *концептуал компоненти* таркибини қўйидаги назарий ёндашувлардан иборат қилиб белгилаш мумкин, деган хulosага келинди (2-расм).



**2-расм. Концептуал компонент таркибидаги назарий ёндашувлар тузилмаси**

Моделнинг *процессуал-мазмунга доир компоненти* ХТХУКРга когнитив ёндашувнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитлари ҳамда ўқитиш босқичлари, мазмуни, шакл ва методларини қамраб олади. Юқорида



келтирилган ёндашувлар, тамойиллар асосида ишлаб чиқилган малака ошириш таълими мазмуни ўқитувчиларнинг узлуксиз касбий ривожланишини таъминлайди ҳамда уларнинг компетентлилик даражаси ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Ўқитувчининг узлуксиз малака ошириши самарали бўлиши учун унда ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш, ўз-ўзини намоён қилиш, мустақил билим олиш, идроки, тафаккури, касбий қизиқишларини ривожлантириш, консультатив ва инновацион фаолиятга турғун мотивация шаклланиши лозим. Шунингдек, ўқитишининг замонавий усуллари, илғор технологиялар, ахборот-коммуникация воситалари, тадқиқот методлари, ташхис усуллари, таълим муҳитини ташкиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини билиши ҳамда педагогик жараённи лойиҳалаш, моделлаштириш, натижаларни олдиндан кўра билиш кўникмаси каби сифатларга эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Когнитив компонент лойиҳаланган моделнинг негизини ифодалайди ҳамда ХТХУКР когнитив механизmlарини такомиллаштиришда пойdevor вазифасини ўтайди. Мазкур компонент ўқитувчиларнинг онгли фаолияти, миссиясини англаши, ўз олдига қўйган мақсадига эришиш, шахсий-касбий фазилатларини такомиллаштириш, билиш жараёнларини мукаммаллаштириш, когнитив имкониятларини кенгайтириш, ҳаракатчанлиги, эгилувчанлиги, малака оширишидан кутилмалари муқаррарлиги, мураккаб педагогик ҳолатларда оқилона қарор қабул қилиш, муаммога асосланган ўқитиши кўникмаси кўринишида муайян ўқув вазиятлари ечимларини башоратлаш асосида узлуксиз касбий ривожланишида таянч нуқтани билдиради.

Моделнинг *рефлексив-коммуникатив компоненти* ўз-ўзини ва ўзаро назорат қилиш кўникмасини, компетентлилигини (ёки компетентсизлигини) адекват баҳолаш, фаолиятидан қаноатланиш, ўз-ўзини фаоллаштириш даражасини таҳлиллаш, касбий қийинчиликлари, эҳтиёжларини англаши, танқидий муносабати, коррекциялаш қобилияти, тажрибаларни алмашишда ҳамкорлиги ҳамда ижодий лойиҳаларни яратиш лаёқатини ривожлантиришни ўз таркибиға олади. Бу компонент тингловчиларнинг ижодкорлигини юксалтириш, ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини фаоллаштириш, ўқув фаолиятида шериклари билан мулоқотга киришиш, ўзаро тажриба алмашиш усулларини ўзлаштириш, алоҳида ва гуруҳда ишлаш кўникмаларини шакллантириш ҳамда тегишли субъектлар билан ўзаро таъсирни амалга оширишга ёрдамлашади.

Рефлексив кўникмаларни орттириш тингловчиларнинг касбий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга, яъни рефлексия уларнинг ўз фаолияти мақсади, мазмуни, воситалари, шакллари, усуллари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлишига олиб келади ҳамда фаолиятини танқидий баҳолаш, коррекциялаш имконини беради ва уни фаол субъектга айлантиради.

Демак, ҳалқ таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожлантиришнинг лойиҳаланган когнитив-функционал модели жараённинг ижобий динамикасини белгиловчи турли векторларни уйғунлаштириш, малака ошириш турларини (формал, ноформал, информал) мақбул қўллаш, ўқитувчиларнинг онгли



фаолияти, шахсий-касбий фазилатларини ривожлантириш, когнитив имкониятларини сафарбар қилиш асосида самарадорликка эришишга шароит яратувчи ўзаро боғлиқ бўлган компонентлар (мотивация ва мақсадни белгилаш, концептуал, процессуал-мазмунга доир, когнитив, рефлексив-коммуникатив) тизимини ифодалайди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. Вахобов М.М. Умумий ўрта таълим тизимида ўқитиш сифати мониторинги моделини такомиллаштириш: пед. фан. док... дисс. автореферати. – Тошкент, 2016 й. – 92 б.
2. Новиков А.М., Новиков Д.А. Образовательный проект (методология образовательной деятельности). – М.: “Эгвес”, 2004. – 119 с.
3. Царан А.А. Нравственное самоопределение будущего менеджера в процессе профессиональной подготовки в вузе: дис... канд. пед. наук. – Тольяти, 2013. – 259 с.